

СЕНТЯБРЬ
ОЙ МАВЗУСИ: “ЎЗБЕКИСТОН МЕНИНГ ВАТАНИМ”
Сентябр ойининг 1-хафтаси

Гуруҳ							
Мавзу		Менинг қадрдон Ўзбекистоним					
Оралик		Сентябр 1-хафта					
Ривожлантириш соҳаси бўйича мақсад	Жисмоний ривожлантириш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш	Ўгуришнинг турли қуринишлари орқали ҳаракатни ривожлантириш. (илон изи, оёқ учида югуриш, тусиклардан утиб югуриш); Соғлом турмуш тарзини шакллантиришда давом этиш;					
	Ижтимоий-ҳиссий ривожлантириш	Ўз ватанига муҳаббат ва фахр туйғусини тарбиялаш, миллий урф-одатларга ҳурмат, дустлари ва тенгдошлари даврасида ўз қўйгуларини мустақил ифода эта олиш ва уртоқлашиш малакасини ривожлантириш;					
	Ўнук ва саводга тайёргарлик	Қўчалар ва йўллар жойлашуви ҳақидаги тасаввурлар орқали ўнукни ривожлантириш, қўчада ўзини тутиш қоидалари билан гаништириш. Қоидабузарлик оқибатлари ҳақида огоҳлантириш. Сўхбатлашиш жараёнида мимик ҳаракатлардан фойдаланишни ўргатиш.					
	Билиш жараёни	Ватан ҳақидаги билимларини бойитиш, Ўзбекистоннинг ўтмиши ва бугунини англаш, хотирада қайта тиклаш ҳамда келажакни тасаввур этишга йўналтириш орқали тафакқурини ўстириш. Давлат рамзлари ҳақида билимларини мустаҳкамлаш, теварак-атроф ва ўзини ўзини ўраб турган муҳитга эътиборли ва қизиқувчан бўлишни ривожлантириш.					
	Ижодий ривожлантириш	Музыка тинглаш жараёнида музикаий ритм ва ҳаракат уйғунлигини ҳис этишни тарбиялаш, миллий амалий санъати турлари ҳақида билим бериш.					
Ривожлантириш марказлари		Таълим-тарбиявий фаолият					
		Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума	Ресурслар
Фронтал машғулот							
Марказлардаги таълимий фаолият	Қуриш-ясаш ва математика маркази	Қурилиш материалларидан шаҳар қурамиз		«Мақтаб», «Болалар богчаси» қурамиз.	Йўл ва қўприқлар қурамиз (ўзун ва қиска, қенг ва тор)		Қурилиш материаллари, лего конструктор, турли қатталиқдаги қишқчалар
	Сюжетли роли ўйинлар ва драммалаш маркази	«Меҳмонда»			«Музейга ташриф»		«Ҳайвонот богига сайр» Никоблар, йўл белгилари ва жихозлари
	Ўнук ва савод	Ватан мавзусидаги сурат асосида сўхбат	Ватанимизни қадимий шаҳарлари (Самарқанд, Бухоро) АҚТ		Тошкент- пойтахт архитектураси (АҚТ)		Мавзу асосида суратлар, АҚТ материаллари
	Фан ва табиат маркази	Сув ва қум хусусияти			Ҳаво тажрибаси «Қўвнок пуфакчалар» Лой, қум, тош, сув, махсус идишча, шарлар		
	Санъат маркази	Ўзбекистон байроғини қизамиз	Мустақиллик байрами (ижодий сурат)		Давлат тамгаси (герб) аппликация		Оқ ва рангли қозғалар, табиат материаллари
	Музыка ва ритмика маркази	«Ўзбекистон Республикаси»ни тинглаш		Миллий классик музикани тинглаш			Музыка маркази, музика дисклари

Сентябр 1 ҳафта
«Менинг қадрдон Ўзбекистоним».

Қуриш-яшаш ва математика маркази:

Мавзу: «Қурилиш материалларидан шаҳар курамыз».

Мақсад: Қурилиш материаллари ва турли катталиқдаги гиштчалардан мустиқил уйлар қура олади.

Керакли жихозлар: кубиклар, геометрик шакллар, декоратив усимликлар, шаҳар қурилиши тасвирланган суратлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. «Менинг шаҳрим» мавзусидаги суратларни кузатиш.
2. Шаҳар қурилиши режасини тузиш.
3. Мустиқил қуриш ишларини амалга ошириш.
4. Дусти билан суҳбатга қиришиш.
5. Дустининг ишларини таҳлил этиш ва рағбатлантириш.

Қушимча: Тарбиячи қурилиш ишларини безатишда майда қушимчалар (уйинчоклар, машиначалар, гулчалар)дан фойдаланишни тақлиф этиш.

Алоҳида эътибор қаратилади: Жамоада ицлаш малакалари, шаҳар қўрилишини тасаввурида аксига.

Сюжетли роли ўйинлар ва драммалаш маркази:

Мавзу: «Меҳмонда».

Мақсад: Узаро муносабат ва муомалани малакаларини шаклланади, меҳмонга бориш одобини билади, меҳмонлар орасида сўзлашиш маданияти шаклланади. Луғатига «Мезбон» сўзи қиритилади.

Керакли жихозлар: мавзуга мос барча уйинчоклар, уй жихозлари, қугирчоклар, идиш-товоклар, ошхона анжомлари.

Фаолиятнинг бориши:

1. Уйин боришини режалаштириш.
2. Ролларни узаро тақсимлаш.
3. Меҳмонга бориш.
4. Мезбон томонидан меҳмонни кутиб олиш.
5. Дастурхон безатиш.
6. Ўзаро меҳмонлар орасида суҳбат.
7. Турли таомлар тортиш.
8. Бирон бир ўйин ўйнаш ёки китоб томоша қилиш.
9. Меҳмонни кузатиш.
10. Уйни тартибга келтириш.

Қўшимча: Қўшни гуруҳга меҳмонга чиқиш.

Алоҳида эътибор қаратилади: Меҳмонда узини тутиш одобини билиши, сеҳрли сузлар»дан (илтимос, раҳмат, кечирасиз) нуткида фойдалана олиши, ўз фикрини ифода эта олиш малакасига.

Тил ва нутқ. маркази

Мавзу: «Она Ватан» мавзусидаги расмлар асосида суҳбат.

Мақсад: Ўз яшаб турган Ватани шаҳари, кўчаси, маҳалласи ҳақида маълумотга эга ва номлай олади. Дўсти билан ҳеч қандай тўсиқсиз мулоқотга кириша олади. Нутқи ривожланади, расмларни бир-биридан фарқлай олади, ўз фикрини баён эта олади, расмдаги воқеани таҳлил қила олади. Кўрганларини хотирасида қолдиради ва хотирасида қолганларни сўзлай олади.

Керакли жихозлар: Мавзу асосида суратлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Расмларни томоша қилиш.
2. Расмларга қараб уларни бир-биридан фарқлаш.
3. Расмдаги воқеа-ходисани онгида таҳлил қилиш.
4. Дўсти билан суҳбатга киришиш.
5. «Она Ватан» мавзусида эгаллаган билимларини сўзлаш.
6. Дўстининг фикрларини тинглаш.
7. Дўстининг фикрларини таҳлил қилиш

Қўшимча: Ватан тўғрисида шеър ёд олиш.

Алоҳида эътибор қаратилади: Расмларни таҳлил қилинишига, хикояда воқеа-ходисаларни кетма-кетлигини тўғри тузилганлигига.

Фан ва табиат маркази.

Мавзу: Сув ва қум хусусиятлари билан танишиш.

Мақсад: Сув ва қум нима эканлигини билади, нам қумнинг хусусиятлари ва ундан фойдаланишни билади. Сув билан тажриба ўтказа олади, сув хусусиятларини билади. Суюқ, қуйиқ, юмшоқ, қаттиқ жихатларни ажрата олади.

Керакли жихозлар: сув, қум, шам ва гугурт, мавзу асосида расмлар, ёнғин вақтида уни баратараф этишдаги сув ва қумнинг вазифаси тасвирланган расмлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Намуналар орқали мавзу ҳақида тушунча ҳосил қилиш.
2. Ёнғин пайтида сув ва қумдан фойдаланиш тўғрисида тушунчага эга бўлиш.
3. Сувнинг қўл билан ушлаб бўлмаслиги, уни суюқ эканлигини аниқлаш.
4. Ушлаб кўриш орқали қумнинг қул билан ушлаб бўлиши ва у қуруқ, нам ҳамда қуйиқ эканлигини ҳис қилиш.
5. Сувга оз миқдорда қум солиш
6. Қумнинг чуқиб кетишини ва нима учун чуқиб кетганлигини таҳлил қилиш.
7. Ўз фикрларини баён этиш.

Қўшимча: Тарбиячи билан биргаликда: шамни ёндириш ва уни сув ҳамда қум ёрдамида ўчириш мумкинлигини тажрибада синаб кўриш.

Алоҳида эътибор қаратилади: Сув ва қумнинг хусусиятларини билишига, эҳтиёт чораларини кўришига олов билан ўйнамасликларига.

Санъат маркази.

Мавзу: «Ўзбекистон байроғини чизамиз».

Мақсад: Ўзбекистон рамзлари ҳақидаги билимга эга, байроқнинг ҳар бир рангини ифодалай олади, намунасиз чизиш қобилиятига эга, Ўзбекистон байроғини бошқа давлатларнинг байроқларидан фарқлай олади.

Керакли жихозлар: Байроқ тасвирланган турли расмлардан намуналар, концелиярия моллари. Рағбатлантириш учун «Офарин» медаллари.

Фаолиятнинг бориши:

1. Мавзу асосида суратларни кузатади
2. Керакли жихозларни танлаб олиш.
3. Байроқни чизиш.
4. Расмлар ёрдамида кўргазма ташкил қилиш.
5. Дустлари суратларини таҳлил этиши ва рағбатлантириш.

Қўшимча: Мавзу асосида шеър ёд олдириш. Пазлла орқали байроқни йиғиш ўйинини ўйнаш.

Алоҳида эътибор қаратилади: Боланинг бадиий-эстетик жихатларини шаклланганлиги, тасвирий фаолиятнинг турларини ажрата олиши, ўз фикрини расмлари орқали ифодалашига.

Қуриш-ясаш ва математика маркази

Мавзу: «Мактаб курамиз».

Мақсад: Бинони қурилиши ва жойлашиши шаклини билади, баландлигини улчай олади, геометрик шакллар номини билади, мактаб иншоотини мустақил кура олади.

Керакли жихозлар: катта қурилиш материаллари, гиштчалар ва стол устида ўйналадиган қурилиш жихозлари.

Фаолиятнинг бориши:

1. Бинони қуриш режасини тузиш.
2. Қурилиш учун керакли жихозларни танлаш.
3. Қуриш ва ясаш.
4. Тайёр бинони атрофларига қўшимча жихозлар жойлаштириш.

Қўшимча: Мактаб ҳақида шеърни ёд олиш, уқитувчи касби ҳақида тарбиячи билан суҳбат.

Алоҳида эътибор қаратилади: Бино қуришда унинг асосини нимадан ташкил топганлигига, бинони қай даражада мустаҳкамлиги ва бажарилган ишнинг сифатига.

Қуриш-ясаш ва математика маркази

Мавзу: «Болалар богчаси».

Мақсад: Турли богчалар биноларини кузатади, болалар богчаси биносини курилиш материаллари, гиштчалардан фойдаланиб куради, катта курилиш материалларини билади, ва курилишда фойдаланади, шаклларнинг катта кичиклигини билади, рангларни фарқлайди. Нечта? Нечинчи? Саволларини ўринли ишлата олади.

Керакли жихозлар: кубиклар, геометрик шакллар, куриш-ясаш материаллари, намуна, мавзу асосида расм.

Фаолиятнинг бориши:

1. «Менинг богчам» лавҳасини томоша қилиш (АКТдан фойдаланган ҳолда).
2. Болалар богчасини куришни режалаштириш.
3. Болалар богчасини куриш.
4. Тайёр ишга қўшимча безак бериш.

Қўшимча: Тарбиячи болаларга ўзлари куриб битирган богчани майда ўйинчоқлар билан тўлдиришни тавсия қилиши мумкин (мошина, мебель, дарахт ва буталар) ва мавзу асосида хикоя тузиш.

Алоҳида эътибор қаратилади: Куриш-ясаш материалларидан тўғри фойдаланишни билиши, тўғри қарор қабул қилиб ўртоқларини ўз изидан бошқаришга.

Сюжетли-ролли ўйинлар маркази:

Мавзу: «Музейда».

Мақсад: Музейда ўзини тута била олади. «Экскурсия», «гид», «Макет» сўзларининг маъносини билади.

Керакли жихозлар: маскалар, кийимлар, атрибутлар, чипта, мавзуга доир расмлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Мавзу асосида суратларни кузатиш
2. Кузатув асосида таҳлил этиш
3. Музейлар хақида дустлари билан фикр алмашиш.
3. Дустлари уртасида ролларни таксимлаб олиш
4. Уйин мазмунини бойитиш.

Қўшимча: Музейларга АКТ орқали саёхат уюштириш.

Алоҳида эътибор қаратилади: тугри богланган нуткга ахамиятни қаратиш нутк, сузларни урнида куллаш малакаси, тасаввур ва актерлик қобилияти.

Тил ва нутқ маркази.

Мавзу: «Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарлари» (Самарқанд, Бухоро), АКТ суҳбат.

Мақсад: Самарқанд ва Бухоро қадимий шаҳарлигини билади, Самарқанддаги «Регистон»ни, Бухородаги «Минораи Калон»ни билади. Ўзбекистоннинг 12 та вилояти мавжудлигини билади. Бола нутқи фаоллашади, эшитиш қобилияти ривожланади, диққат ва хотира мустаҳкамланади.

Керакли жихозлар: Мавзу асосида видеолавҳалар, Самарқанддаги «Регистон»ни, Бухородаги «Минораи Калон»ни расмлари.

Фаолиятнинг бориши:

1. Лавҳаларни томоша қилиш.
2. Лавҳалардан олган маълумотлари асосида расмларни ажратиб олиш.
3. Расмда қайси вилоят тасвирланганлигини аниқлаш.
4. Самарқанддаги «Регистон», Бухородаги «Минораи Калон»ни расмларда томоша қилиш.
5. Расм ва кўргазмалар орқали мавзу бўйича билимларини бойитиш.

Қўшимча: Ўзбекистон харитасида Ўзбекистоннинг вилоятлари қаерда жойлашганлиги ва чегарадош давлатларни болаларга кўрсатиш.

Алоҳида эътибор қаратилади: Расмларни таҳлил қилинишига, тарихга бўлган қизиқишига.

Фан ва табиат маркази.

Мавзу: «Қувноқ шарлар».

Мақсад: Ҳавонинг инсон ҳаётидаги муҳим ўрни ҳақида билади, ҳавонинг хусусиятларини билади, ҳаво ёрдамида элементар тажрибалар ўтказа олади, тўғри нафас олиб чиқаришни билади.

Керакли жихозлар: целлофан пакет, пуфак, мавзу асосида расмлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Целлофанга ҳаво тўлдириш.
2. Пуфакка ҳаво тўлдириш.
3. Ҳаво билан тўлдирилган целлофан ва пуфакнинг оғзини маҳкамлаш.
4. Ҳавонинг ҳосил бўлиш ва бир жойда тўпланиш жараёнини таҳлили қилиш.
5. Целлофан ва пуфакнинг оғзини бушатиш.
6. Енгил жисм ёрдамида (пахта ёки пар) целлофан ёки пуфакдан чиқаётган ҳавонинг босимини кўриш ва ҳис қилиш.

Қўшимча: Марказда олиб борилган фаолиятни зимдан кузатиш, тинглаш, болалар фикрини тинглаш, ҳавонинг кўз билан кўриб қўл билан ушлаб бўлмаслигини, ҳаво яна нималар учун зарурлигини, ҳаво бўлмаса сайёрамизда нималар содир бўлиши мумкинлиги ҳақидаги қўшимча маълумотларни бериш.

Алоҳида эътибор қаратилади: Боланинг мавзу борасида қандай фикрга, билимга эга бўлганлигига, мавзунини тўғри таҳлили қила олганлигига.

Санъат маркази.

Мавзу: «Мустақиллик байрами» мавзусида расм чизиш.

Мақсад: Ўзбекистонда нишонланадиган байрамларни билади, мустақиллик байрамининг қачон нишонланишини билади, байрам арафасидаги ўзгаришларни билади. Мустақиллик ҳиёбони ҳақида тушунчага эга. Рангларни тўғри танлай олади, мавзудан четлашмайди, берилган мавзунини тез идрок этиб, уни қоғозга тушура олиш қобилиятига эга.

Керакли жихозлар: шаҳар кўчаларининг байрам кунларидаги суратлари, намуна, қоғоз ва концевлярия моллари.

Фаолиятнинг бориши:

1. «Мустақил Ўзбекистон» мавзуси асосидаги расмлар ва намунани томоша қилиш.
2. Расм чизиш учун материалларни танлаш.
4. Расм чизиш жараёни.
5. Расмни яна қўшимча безаклар билан бойитиш.

Қўшимча: Мустақиллик мавзусида шеърлар ёд олдириш, ота-оналар учун болалар ишларидан кўргазма тайёрлаш.

Алоҳида эътибор қаратилади: Ранглардан тўғри фойдалана билиши, икки ва ундан ортиқ рангларни аралаштириб ранг ҳосил қилиши.

Қуриш ясаш ва математика маркази:

Мавзу: «Йуллар ва куприклар курамуз» (узун ва киска, кенг ва тор).

Мақсад: Қурилиш материаллари ва гиштчалар ердамида йулларни қуришни билади, фазовий мулжал олиш малакаси, диққат, тафаккур, хотираси ривожланган, топширикни берилган кетма-кетлик асосида бажаради, катта хажмдаги шаклларни ажрата олади ва қурилиш ишларида уларнинг шакли, ранги ва катталигини инобатга олади.

Керакли жихозлар: кубиклар, геометрик шакллар, лево шакллари, йул харакати белгилари, «Тугрига харакат» «Унгга харакат», «Чапга харакат»

Фаолиятнинг бориши:

1. «Йуллар» ва «Кўприклар» суратини кузатиш.
2. Йўллар ва кўприклар ҳақида маълумот олиш.
3. Кўприк қуриш учун геометрик шаклларни танлаш
4. Йўллар ва кўприк қуриш
5. Бажарилган ишни ўртоқлари билан солиштириш, мустаҳкамлигини текшириш.

Қўшимча: Бажарилган ишни турли белгилар билан бойитишни тавсия этиши мумкин, рағбатлантириш.

Алоҳида эътибор қаратилади: Болаларни жамоа бўлиб ишлашига, бажарилган ишнинг мустаҳкам ва тўғри бажарилганлигига, мавзунини тўлиқ ўзлаштирилганлигига.

Тил ва нутқ маркази.

Мавзу: «Тошкент – қурилишлар шаҳри» (АКТ)

Мақсад: Ўзи яшаб турган манзилини билади, яшаб юрган шаҳри номи, тарихи борасида қисқача маълумотга эга

Керакли жихозлар: Тошкент шаҳрининг расми, шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари намоиши этилган видеолавҳалар диски

Фаолиятнинг бориши:

1. «Тошкент қурилишлар шаҳри» видеолавҳасини кузатиш
2. Лавҳа бўйича тушунча бериш, ҳикоя тузиш
3. Лавҳа тўғрисида ўзаро суҳбат қуриш
4. Лавҳадаги диққатга сазовор бинолар ва уларнинг номларини ёдга олиш, таҳлил қилиш.

Қўшимча: Лавҳа юзасидан савол-жавоблар ўтказиш, «Баланд, паст», «Катта-кичкина» ўйинини ўйнашни таклиф этиш.

Алоҳида эътибор қаратилади: Нутқ бойлигининг ошганлиги, луғатига янги сўзларнинг қўшилганлигига аҳамият бериш.

Санъат маркази.

Мавзу: «Герб» Аппликация (табiiй материаллардан)

Мақсад: Ўзбекистон Республикаси рамзларини билади, уларнинг маъносини билади, аппликация ёрдамида майда қўл моторикаси ривожланади.

Керакли жихозлар: Ўзбекистон герби, герб намунаси, буғдой бошоғи ва пахта, оқ ва рангли қоғоз, қайчи, табiiй материаллар

Фаолиятнинг бориши:

1. Расмлар орқали Ўзбекистон рамзлари ҳақидаги маълумотлар билан танишиш.
2. Гербни кузатиш, таҳлил қилиш.

3. Герб яшашни режалаштириш.
4. Керакли жихозларни танлаш.
5. Гербни мустақил яшаш.

Қўшимча: Герб ҳақида шеър ёд олдириш.

Алоҳида эътибор қаратилади: Ижодий иш жараёнида тозаликка аҳамият бериш, ҳаёт хавфсизлигига риоя қилиш.

Сюжетли роли ўйинлар ва драммалаш маркази:

Мавзу: «Ҳайвонот боғида».

Максад: Ёввойи ва уй ҳайвонлари тўғрисида маълумотлари бойиб боради, ҳайвонларга нисбатан меҳрибонлик, қайғуриш, озор етказмалик ҳисси уйғонади, ҳайвонларга ғамхўрлик қилиш ҳисси уйғонади, луғат бойлигига ҳаммол (грузчик), ветеринар сўзлари мазмунини билади

Керакли жихозлар: Ёввойи ва уй ҳайвонлари резина ўйинчоқлар ёки муляжлар, ҳайвонларни овқатлантириш учун идишлар, тозалаш буюмлари, ҳайвонлар маскаси

Фаолиятнинг бориши:

1. Ҳайвонот боғи ва у ернинг фаолияти тасвирланган расмларини кузатиш.
2. Курувчи, ҳаммол, ҳайвонот боғи ишчиси, ветеринар, кассир, ҳайвонот боғи ходими, ташриф буюрувчилар ролларни тақсимлаш.
3. Ҳайвонот боғини қуриш.
4. Ҳайвонларни олиб келиш.
5. Ҳайвонлар солинган қафасларни жойлаштириш.
6. Ҳайвонларга хизмат кўрсатиш (овқатлантириш, қафасларини тозалаш).
7. Ҳайвонлар саломатлигини текшириш.
8. Иссиғини ўлчаш, касалларини даволаш.
9. Чипта сотиш.
10. Ҳайвонот боғи билан таништириш.
11. Ҳайвонлар ҳақида маълумот бериш.
12. Хавфсизлик ҳақида маълумот бериш.
13. Чипталарни харид қилиш.
14. Ҳайвонларни кузатиш.

Қўшимча: Мавзу асосида мультфильмлар намойиш этиш.

Алоҳида эътибор қаратилади: Ҳайвонот боғи ишчиларини нима иш билан банд бўлишлари ва уларнинг фаолиятларини фарқлай олишига.